Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 94 (8834). ◆ 8 май, 1986 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# ПАХТАДАН МЎЛ, ЭРТАГИ, СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ УЧУН

## ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИ АЪЗОЛАРИ ДАВРА СУҲБАТИ

**ОБЛАСТИМИЗ пахтакорлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида пахтадан мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.**

**Техника ўз вақтида ва сифатли тайёрланганлиги, экиш агрегатлари юксак малакали кадрлар билан таъмин этилганлиги туфайли қишлоқ меҳнаткашлари чигит экишни энг қулай ва қисқа муддатларда ўтказдилар, бир текис ундириб олдилар, ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.**

**Бу йилги кўклам об-ҳавоси бирмунча ноқулай келди. Шуни ҳисобга олиб, ҳамма ерда ғўза парваришини кучайтириш керак. Бунда сувдан ишнинг кўзини билиб ва тежамкорлик билан фойдаланишга, культивацияни ўз вақтида ўтказишга, далаларни бегона ўтдан тозалаш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашга алоҳида эътибор бериш зарур. Шу йўл билан ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун энг яхши шароитни яратиш талаб этилади.**

**Бу йилги шароитда пахтадан мўл ҳосил олиш учун ишни уюшқоқлик билан ташкил этиш, агротехника тадбирлари комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш зарур.**

**Яқинда бўлиб ўтган область пахтакорлари Совети аъзоларининг давра суҳбатида ана шулар хусусида атрофлича фикр юритилди. Давра суҳбати қатнашчилари — область пахтакорлар Советининг раиси, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Рўзиматов, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исматов, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг директори Р. Каримов, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Авазов, Чиноз районидаги Навоий номли колхоз раиси Х. Акромов ўртоқлар билан бўлиб ўтган савол-жавобларда май, июнь ойларида ғўза парваришини қандай ташкил этиш масалаларига асосий диққат-эътибор қаратилди.**

**САВОЛ: Бўлиб ўтган ёғингарчиликлардан сўнг пахта далаларида бегона ўтларнинг ўсиши учун қулай имконият яратилди. Бегона ўтларни йўқотиш учун қандай самарали тадбирларни кўриш керак?**

М. РЎЗИМАТОВ: область пахтакорлар Совети аъзолари томонидан ўтказилган текширишда ҳақиқатан ҳам айрим участкаларда бегона ўтларнинг кўпайиши тезлашганлиги аниқланди. Бегона ўт ғўзанинг озуқасига, сувига шерик бўлиб, асосий экинни қисиб қўяди. Шунинг учун ҳам унга қарши курашни кучайтириш керак. Далалар бегона ўтдан тоза ҳолда сақланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, яганани сифатли ўтказиш, шу иш жараёнида бегона ўтларни илдизи билан йўқотиш, ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда соғлом кўчат қолдириш керак. Шунингдек карта этаклари, йўл чеккалари, суғориш тармоқлари ва коллектор-зовур бўйлари, симёғочлар, тут дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтларнинг атрофларини ҳам ҳамиша бегона ўтдан тоза ҳолда сақлашга эришиш зарур. Чунки худди ана шу жойларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари тухум қўйиб, урчиб, кўпаяди. Культивацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бегона ўтни зудлик билан йўқотишда муҳим роль ўйнашлигини унутмаслик керак. Айниқса, суғоришдан сўнг чопиқ қилиб, ўтни йўқотишга алоҳида эътибор бериш зарур.

**САВОЛ: Пахтадан мўл ҳосил олиш технологияси ҳар бир гектарда кўчатларнинг тўлиқ бўлишини ва ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ривожланишини талаб этади. Бунга қандай эришиш мумкин?**

М. ИСМАТОВ: текширишлар давомида айрим бригадаларда, хўжаликларда ғўзани ягана қилиш ва гектарларда мўлжалдаги кўчатни қолдириш ишлари сифатсиз ўтказилаётганлиги билиниб қолди. Баъзи жойларда эса бу ишлар ниҳоятда чўзиб юборилмоқда. Бундан ташқари тракторларнинг далаларга кириб чиқиши натижасида карта этакларида айрим жойларга чигит экилмай бўш қолиб кетган. Икки-уч кун муддат ичида барча далаларда яганалаш сифатини пухта таҳлил қилиб чиқиш керак. Ғўзасиз сийрак жойлар аниқланса бундай жойларга қўлда чигит экиш, уялардаги ортиқча кўчатларни олиб ташлаш, яганалашни сифатли тугаллаш зарур. Бу тадбирни 7—8 иш кунида тамомлаш талаб этилади.

Ўсимлик туплари етарли бўлган тақдирда уяларда биттадан кўчат қолдириш мақсадга мувофиқдир. Бу билан ғўзанинг дуркун соғлом ривожланиши, кўсакларнинг бўлиқ, толасининг пишиқ бўлиши учун ҳамда машина теримининг яхши ташкил этилиши учун имконият яратилади.

Яганалаш тўлиқ тугалланиб, кўчатлар белгиланган миқдорда қолдирилгач, ҳар бир карта бўйича комиссия иш сифатини кўздан кечириб қабул қилиб олиши ва акт билан тракторчилар ва сувчиларга далаларни топшириши керак.

**САВОЛ: ноқулай об-ҳаво шароити, ёмғирдан сўнг ғўза тупларида шира, трипс ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандалари пайдо бўла бошлади. Уларга қарши курашда қандай тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир?**

М. АВАЗОВ: пахта майдонларида пайдо бўла бошлаган ҳашаротлар, ғўзага тушган ширани аниқлаш учун барча далачилик бригадаларида талаб қилинган даражада кузатувчилар ажратилган, улар, албатта, ўқитилган бўлиши керак. Ҳар куни кузатувчилар ишига якун ясаш лозим. Шира, трипс билан зарарланган участкалар аниқланган тақдирда бундай майдонлардаги ғўзаларни мутахассислар томонидан тавсия қилинган препаратлар билан ишлашга зудлик билан киришилади. Кузги тунлам тухум қўя бошлаган майдонлардаги ғўзаларга кечки пайт ва тунги вақтлар хлорофос дорисини махсус аппаратларда пуркаш зарур. Катта ёшдаги кузги тунлам уруғларига қарши дориланган кунжара сепилади.

Ғўзага ўргимчак кана тушишининг олдини олиш учун тут барглари кесиб олингач, карта четларини олтингугурт ёки бир градусли ИСО билан ишлаш керак бўлади. Ўргимчак кана ўчоғи аниқланган тақдирда зудлик билан ўша ернинг ўзигагина дори сепиш тавсия этилади. Кўсак қурти тухумига қарши биологик усул билан курашиш — трихограмма қўйиш яхши самара беради. Кичик ёшдаги қуртларга қарши эса дендробацилин, битокибацилин микробиологик препаратидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Катта ёшдаги кўсак қуртларига қарши курашда эса фазалон препаратидан тайёрланган суюқликдан фойдаланиш яхши самара беради.

Бу тадбирларни амалга оширишда препаратлардан фойдаланиш нормалари, муддатлари ва техника хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий амал қилиш зарур.

**САВОЛ: Ғўзанинг ривожини ва ўсишини тезлаштириш кўп жиҳатдан ишлов бериш, культивацияни ва озиқлантиришни илмий асосларда ташкил этишга боғлиқдир. Бу ишлар қандай ташкил этилса фойдаси катта бўлади?**

Р. КАРИМОВ: культивациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши ерда намнинг узоқ сақланиши, тупроқнинг юмшоқ ҳолатда бўлишини ўсимликнинг ҳаводан яхши баҳра олишини таъминлайди. Натижада ғўзанинг баравж ўсиши илдиз системасининг яхши ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади. Ғўзанинг ҳолатига қараб май ойида кам деганда икки марта ва июнь ойида 2,5 марта қатор ораларига ишлов бериш, бунда тупроқнинг майин юмшатилишига эришиш зарур. Ғўза ниҳоллари ёш бўлган ҳозирги дамларда механизаторлар ғоятда хушёрлик билан ишлашлари керак.

Шуни унутмаслик керакки, агарда культивация вақтида ғўзанинг ён илдизларига шикаст етказилса бундай ўсимлик вилт билан тез касалланиши мумкин. Чунки ўша шикастланган ер орқали касаллик микроблари ғўза танасига ўтади. Бунга йўл қўймаслик учун культиватор ишчи органларини ҳар бир даланинг шароитига, ўсимликнинг ҳолатига қараб тўғри ўрнатиш керак. Чигит 90 сантиметр оралиқда экилган майдонларда культивация вақтида ишлов зонаси кенглиги 75 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак. Қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларда эса 45 сантиметрдан кам бўлмаслиги зарур. Бунда культиваторларнинг ишчи органлари тўлиқ ўрнатилган бўлиши шарт. Қатор оралари ўртасида культивация чуқурлиги 16—18 сантиметрдан кам бўлмасин. Бунда ўтмаслашиб ишдан чиққан паральниклар, пичоқлар, ғоз панжаларидан, шунингдек, культиваторларнинг анча ишдан чиқиб қолган шарнирларидан фойдаланмаслик керак.

Тажриба мўл, эртаги ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан минерал ва органик ўғитларни ўз вақтида ва тўғри ишлатилишига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Органик минерал ўғит аралашмаси сувдан тежамли фойдаланишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бунда азот ва фосфор нисбатини 1:0,7 ҳисобидан белгилаш керак. Калий ўғити ғўзанинг сувсизликка чидамлилигини ошириш ва вилт билан касалланишини камайтиришда муҳим озуқа элементи ҳисобланади. Агар бундай ўғит етишмаса тупроқдаги намнинг буғланиш даражаси анча юқори бўлади ва оқибатда намдан фойдаланиш самарадорлиги камайиб кетади. Шунинг учун ҳам ғўзани органик минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантиришга катта эътибор бериш зарур. Бунда яхши чиритилган ва майдаланган қуруқ гўнгдан фойдаланиш яхши натижа беради.

Озиқлантиришни ўз муддатида тугаллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ишни ҳаддан ташқари эрта тугаллаш ҳам зиён келтиради. Чўзиб юбориш ҳам ярамайди. Ўсимлик ғовлаб кетади. Ҳосилдорликка, тола сифатига путур етади. Ғўзани озиқлантиришни тугаллашнинг энг қулай муддати 10 июлгача ҳисобланади.

Биринчи озиқлантиришда культивация билан бирга ҳар гектар ерга 40—50 килограммдан соф азот, шунча миқдорда фосфор ўғити солиш зарур. Иккинчи ва учинчи озиқлантиришни эса ғўза шоналаб ёппасига гуллай бошлаган пайтда амалга ошириш керак.

**САВОЛ: сув камчил бўлиши кутилаётган бу йилги шароитда ундан тежамкорлик билан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам сувчилар зиммасига ғоят масъулиятли вазифа юклатилади...**

Х. АКРОМОВ: суғориш нормаси ва муддатлари ҳар бир карта, участкада қандай навдаги ғўза ўстирилаётганлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, тупроқ шароити, сизот сувларининг ер юзасига яқинлиги ёки чуқурлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бу йилги шароитда сувдан, албатта, тежамли фойдаланиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам нишаби паст бўлган далаларда ўқариқларни ҳар 100—150 метрда, нишаби унчалик бўлмаган далаларда эса ҳар 80—100 метрда олиш керак.

Энг аввало, ҳар бир район, хўжалик, бригадада суғориш учун ажратилган сувлардан қандай фойдаланилаётганлигини қатъий назорат қилиб бориш зарур. Сувнинг исроф бўлишига сира ҳам йўл қўймаслик керак. Ундан фойдаланиш коэффициенти 95—100 процентдан кам бўлмасин.

Ҳамма ерда сувчилар ишини группа усулида ташкил этишни кенг қўллаш лозим. Бу усул сувни бир йўла барча ўқариқларга қўйиш, қисқа муддат ичида ҳар бир участкани суғориб чиқиш ва бунинг натижасида қатор ораларига ишлов берадиган тракторлар ишининг бир меъёрда йўлга қўйилишини таъминлаш имкониятини беради.

Суғоришни шундай йўлга қўйиш керакки, бир кеча-кундузда битта жойда 8—10 гектар ердаги ғўзага сув қўйиш мумкин бўлсин.

Тунги суғоришга алоҳида эътибор бериш лозим. Сувдан тежамли фойдаланиш учун ҳар бир бригада, совхоз, колхозда суғоришнинг календарь графиклари тузиб чиқилган бўлиши шарт. Сувчиларнинг юқори унум билан ва сифатли ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш керак.

# М. С. Горбачевнинг Ж. Э. душ Сантуш билан учрашуви

6 май куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг расмий дўстлик визити билан СССРга келган МПЛА—Меҳнат партияси Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Ж. Э. душ Сантуш билан учрашуви бўлди.

Иккала партия раҳбарлари Совет Иттифоқида ва Анголада КПСС XXVII съезди ва МПЛА — Меҳнат партияси II съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан авж олиб кетган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. М. С. Горбачев КПССнинг социал-иқтисодий тараққиётни бутун чоралар билан жадаллаштириш ва социалистик демократияни такомиллаштириш йўлини совет кишилари якдил қўллаб-қувватлаётганликларини уқтириб ўтди. Ж. Э. душ Сантуш МПЛА—Меҳнат партиясининг янги ҳаёт қуриш йўлига ўтган Анголага қарши империалистлар, ирқчилар ва уларнинг агентлари ўтказаётган агрессия ва аралашув сиёсатига умумхалқ зарбасини ташкил этиш соҳасидаги фаолияти ҳақида ахборот берди. У халқ Анголаси билан муттасил бирдамлик учун КПССга, совет халқига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Энг муҳим халқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида томонлар империализмнинг авантюрачиликдан иборат милитаристик сиёсати дунёда вужудга келтирган вазият кескинлашиб бораётганлигига якдиллик билан баҳо бердилар. АҚШ маъмурияти қуролланиш пойгасини кучайтириш ва уни космосга ёйиш йўлини ўжарлик билан давом эттираётганлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Ж. Э. душ Сантуш ядро қуролини тугатишнинг, халқаро хавфсизлик кенг қамровли системасини барпо этишнинг амалий ва реалистик программаси баён этилган совет тинчлик ташаббусларини амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

М. С. Горбачев билан Ж. Э. душ Сантуш АҚШ бошчилигидаги империалистик кучларнинг халқаро иқлимни баттар заҳарлаш учун, суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш учун дунёнинг турли районларидаги можароли вазиятлардан фойдаланишга уринаётганликларини қатъий қораладилар. АҚШнинг Ливияга ҳужуми, бошқа давлатлар шаънига қилаётган дўқ-пўписалари, Америка маъмурияти Анголадаги УНИТА қўғирчоқ тўдаларига бевосита ҳарбий ёрдам беришга ўтганлиги, ирқчи ЖАРнинг Африкадаги қўшни давлатларга қилаётган агрессив ҳаракатлари давлат терроризмининг ифодаси эканлигини ва бутун халқаро ҳамжамият томонидан рад этилаётганлигини улар таъкидлаб ўтишди. Африкадаги «фронт ёқаси» давлатлари билан, Жанубий Африка ва Намибия халқларининг африкаликлар миллий конгресси ва СВАПО раҳбарлигидаги мардона озодлик кураши билан бирдамлик изҳор этилди.

Учрашув чоғида КПСС билан МПЛА — Меҳнат партияси, Совет Иттифоқи билан халқ Анголаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш манфаатларини кўзловчи бир қанча амалий тадбирларни рўёбга чиқариш тўғрисида келишиб олинди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари аввалгидек келгусида ҳам совет халқи ангол халқининг одилона курашини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватлай беришини айтди.

Учрашув самимий ўртоқларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

# СОВЕТ—АНГОЛА МУЗОКАРАЛАРИ

Кремлда Совет—Ангола музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Тализин, А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар;

Ангола томонидан — Ж. Э. душ Сантуш, АХРнинг бошқа партия ва давлат арбоблари иштирок этдилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида АХР раҳбари ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Совет Иттифоқида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида авж олиб кетган актив ишлар тўғрисида хабардор қилинди.

Ж. Э. душ Сантуш Анголада МПЛА — Меҳнат партияси II съездининг йўл-йўриқларини бажариш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида, партиянинг халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва экономикани ривожлантириш, мамлакат суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. МПЛА — Меҳнат партиясининг II съезди Ангола халқи социалистик ривожланиш йўлига содиқ эканлигини тасдиқлади.

Халқаро вазиятнинг асосий проблемалари юзасидан муфассал фикрлашиб олинди. КПСС билан Совет давлати жаҳон ишларида кескинликни юмшатишга қайтишнинг, Шарқ билан Ғарб ўртасида амалий мулоқотни давом эттиришнинг актив тарафдорлари бўлиб келганликлари ва шундай бўлиб қолаётганликлари, Женевада белгиланган йўлга қатъий амал қилиш ниятида эканликлари таъкидланди.

Ж. Э. душ Сантуш М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида ядросиз дунёни яратиш хусусида олға сурилган совет программасини, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси асосларига оид XXVII съезд ўртага қўйган концепцияни Ангола батамом қўллаб-қувватлаётганлигини тасдиқлаб, Совет Иттифоқининг тинчликсевар таклифларини амалга ошириш ядро уруши хавфини бартараф этиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш, ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда бурилиш нуқтаси бўлур эди, деб таъкидлади.

Томонлар жаҳоннинг турли районларида кризисли вазиятлар вужудга келаётганлиги муносабати билан чуқур ташвиш билдирдилар. Империалистик доиралар ана шундай кризисли вазиятлардан халқаро кескинликни кучайтириш, суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш мақсадида фойдаланмоқдалар.

Совет томони Ангола халқининг ўз революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган фидокорона кураши билан муттасил бирдамлик, СССР билан АХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга содиқлик ҳақида яна бир бор айтиб ўтди.

Музокараларнинг қатнашчилари Африка жанубидаги кризисли вазиятни сиёсий воситалар билан юмшатиш борасида коллектив кучғайрат керак, деган фикрни билдирдилар. Шу муносабат билан БМТнинг тегишли қарорлари асосида Намибияда мустамлакачиликни тезроқ тугатиш проблемасига алоҳида эътибор жалб қилинди. Совет томони Ангола ҳукуматининг шу йил 8 мартдаги баёнотида изҳор этилган позициясини қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди. Томонлар Намибия проблемасини бартараф этиш жараёнида БМТнинг, ва жумладан, Хавфсизлик кенгашининг ролини кучайтириш учун ҳаракат қилаётганликларини айтдилар.

Икки томонлама Совет—Ангола муносабатларига оид масалалар амалий ва ўртоқлик вазиятида батафсил кўриб чиқилди.

Совет—Ангола иқтисодий илмий-техникавий ва савдо-сотиқ ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларига, шу ҳамкорликнинг яқин йиллардаги асосий истиқболли йўналишларига алоҳида эътибор берилди.

Томонлар бўлиб ўтган музокараларнинг фойдали ва самарали эканлигини қайд этдилар. Совет ва Ангола раҳбарларининг учрашувлари СССР билан Ангола ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига комил ишонч изҳор қилинди.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати Катта Кремль саройида Ангола раҳбари шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда М. С. Горбачев, А. А. Громико, Н. И. Рижков, Г. А. Алиев, Э. А. Шеварднадзе, Н. В. Тализин, А. Ф. Добринин, А. Н Яковлев ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев ва Ж. Э. душ Сантуш ўртоқлар нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

(ТАСС).

# КОСМОСНИ ЎЗЛАШТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

ТАСС АХБОРОТИ

**Учиш программасига мувофиқ, космонавтлар Леонид Кизим ва Владимир Соловьев 1986 йил 6 май куни Москва вақти билан соат 20 дан 58 минут ўтганида «Союз Т-15» кемасини «Салют-7» — «Космос-1686» орбитал комплекси билан туташтирдилар. Шундай қилиб, космонавтлар бошқарадиган учишлар практикасида биринчи марта битта орбитал станциядан иккинчи орбитал станцияга учиб ўтилди.**

# КОСМОСДА КЎЧИБ ЎТИШ

Беш ойдан ортиқ танаффусдан сўнг «Салют-7» станциясининг дарчаларида яна электр нури чақнади. Уни шу космик уйга қайтиб келган Л. Кизим ва В. Соловьев ёқдилар. Улар О. Атьков билан бирга қарийб бутун 1984 йилни ана шу уйда яшаб ўтказгандилар. Аммо бу сафар унга қайтиб келиш йўли биринчи марта ерда эмас, балки Ер атрофи орбитасида бошланди.

«Маяк»лар «Мир» станциясидан ажраб чиққанларида уларнинг кемаси билан «Салют-7» — «Космос-1686» комплекси ўртасида 3 минг километрдан зиёд масофа бор эди. Иккала объект орбиталари бир текисликда эдию, лекин комплекс «Союз Т-15» дан анча олдинда борарди. Хуллас, «Маяк»ларнинг биринчи қиладиган иши комплексга етиб олишдан иборат эди.

— «Союз»да ёнилғи етарли бўлса-да, баллистиклар аввало осмон механикаси қонунларидан фойдаланишга қарор қилдилар, — деди туташтириш олдидан учиш раҳбарининг ўринбосари В. Благов. — Кема «Мир»дан ажрагач, тўрт марта айланганидан кейиноқ командага бўйсуниб, бир мунча пастроқ орбитага «шўнғиди». Бугун биз икки марта ростлаб, уни яна керакли баландликка кўтардик. Айни маҳалда «Космос-1686» моторларидан фойдаланиб, комплексни ҳам зарур вазиятга ўтказдик. Комплекс билан кеманинг бир-бирига яқинлашиши ва ёндашиши қўлда бажарилади.

Бошқариш маркази бош залининг картасида шуълаланиб турган икки нуқта бир маромда жилиб бормоқда. Улар ўртасидаги оралиқ секин-аста камайиб бормоқда.

— Станцияни айланиб учиб, унинг агрегат бўлмаси сари боряпмиз, — дейди командир. — Масофа 50 метр...

Шу дақиқаларда космик телевидение ишга туширилади ва экранда станциянинг туташтириш узели тасвири пайдо бўлади. У тез яқинлашиб келади.

— Туташдик! — деб доклад қилади Л. Кизим.

— Табриклаймиз, «Маяк»лар, баракалла! Раҳмат сизга!

Шундай қилиб, космонавтика тарихида биринчи марта бир орбитал станциядан иккинчи орбитал станцияга учиб ўтиш муваффақиятли чиқди.

ТАСС мухбири.

СОВЕТ ТИНЧЛИК ФОНДИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА 25 ЙИЛ ТЎЛДИ

# ЮКСАК МУКОФОТ

Совет тинчлик учун курашчиларини бирлаштирувчи оммавий ташкилот— Совет тинчлик фонди ташкил этилганига 25 йил бўлди. Мамлакатимиздаги бу жамоат ташкилоти планета софниятли кишиларининг жаҳон термоядро уруши оловини ёқувчилар кирдикорларига қарши кураши, империалистик агрессия қурбонлари бўлган халқларга самарали ёрдам кўрсатиш юзасидан умумий интилишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Совет тинчлик фондининг 25 йиллиги муносабати билан бу фонд правлениеси «Олтин медаль» фахрли нишонини таъсис этди. Бу нишон фонднинг намуна кўрсатган активлари учун топширилади.

Ана шундай нишон билан биринчилар қаторида мукофотланганлар орасида В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бор.

Республикамизнинг таниқли жамоат арбоби, Совет тинчлик фонди Ўзбекистон республика бўлинмасининг раиси, СССР халқ артисти Сора Абдураҳмоновна Эшонтўраева тинчликни ҳимоя қилиш олийжаноб ишига кўп куч-ғайрат ва қалб ҳароратини сарфламоқда. Совет тинчлик фонди правлениесининг қарори билан С. А. Эшонтўраева ҳам «Олтин медаль» билан мукофотланди.

**К. РОГАЧЕВ,**
**Совет тинчлик фонди Тошкент область бўлинмасининг масъул секретари.**

# ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК ПОЗИЦИЯЛАРИДА ТУРИБ

## РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАН

7 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар, район халқ контроли комитетларининг, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар халқ контроли комитетларининг раислари, министрликлар ва идоралар халқ контроли группаларининг раислари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров «КПСС XXVII съезди талаблари асосида республика халқ контролерларининг вазифалари» мавзуида доклад қилди. Музокараларда Қорақалпоғистон АССР халқ контроли комитети раиси В. В. Кислов, Фарғона область халқ контроли комитети раиси С. Т. Тоштемиров, Қашқадарё область халқ контроли комитети раиси Т. Н. Нуритдинов, Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раиси Х. К. Камолов, Сирдарё район халқ контроли комитети раиси Б. З. Зуҳуров, Пискент район халқ контроли комитети раиси Т. Х. Холбоев, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли комитети раиси К. Е. Иванов, республика енгил саноат министрлиги халқ контроли группасининг раиси А. Я. Тойб сўзга чиқдилар.

КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда халқ контроли органлари муҳим роль ўйнаши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида партия давлат ва жамоат контролининг таъсирчанлигини оширишга актив кўмаклашади, дейилган. Халқ контроли органларида қатнашиш халқ манфаатларини ҳимоя қилишда меҳнаткашларнинг сиёсий етуклиги ва активлигини ривожлантиришнинг, ишга давлат нуқтаи назаридан ёндашиш, жамоат мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг муҳим формаси деб қаралмоқда. Республика халқ контроли комитетлари ва группалари партия йўл-йўриқларининг, совет қонунлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан контроллик борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили комитетларнинг ўзигина салкам ўн бир мингта текшириш ўтказди.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг талаблари асосида мансабдор шахсларга нисбатан, хусусан давлат интизомини бузишда, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликда, бюрократизм ва сансалорликда, хўжасизлик ва суиистеъмолчиликларда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан талабчанлик оширилди. Бироқ, халқ контроли социалистик системаси яна ҳам активроқ ишлашини, йирик социал-иқтисодий проблемаларга киришишини, давлат ишлари учун жон куйдирмай қўйган раҳбарларнинг тараллабедод қилиб юришларига йўл қўймасликларини вазият тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан ҳали ҳамма иш қилинган деб бўлмайди. Давлат планлари ва топшириқлари қандай бажарилаётганлигига, кооперациялашган ҳолда маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларига қандай риоя этилаётганлигига оид масалалар юзасидан текширишлар кам ўтказилмоқда.

Ҳолбуки, планларни камайтириш томон ўзгартиришдан иборат нотўғри практикага ҳамон барҳам берилмаган. Шу йил енгил саноат, бинокорлик материаллари саноати министрликлари корхоналарида, энергетика ва электрлаштириш министрлигида, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида, янги Қўқон химия заводида, «Андижанкабель» заводида планнинг ана шундай камайтирилишига йўл қўйилган. Аммо бу ҳол Андижон, Навоий, Самарқанд ва бошқа бир қанча областларнинг халқ контроли комитетларини ташвишлантирмади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан ва иш вақтидан фойдаланиш каби муҳим масалалар ҳам кўпгина комитетларнинг эътиборидан четда қолди.

Мажлисда қурилишда капитал маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги устидан контролни кучайтириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Кўпроқ принципиаллик ва сабот-матонат кўрсатиш, қурилишларда хўжасизлик ва исрофгарчилик фактларига қатъиян чек қўйиш лозим.

Моддий, меҳнат ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш учун кураш халқ контроли органлари, ҳар бир халқ контролери учун ғоят муҳим ишдир.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, ҳар бир халқ контроли комитети ва группасидан илм-фан ютуқлари, янги техника ва прогрессив технология, илғорлар тажрибаси халқ хўжалигига жорий этилиши устидан контрол қилиш борасида конкрет ҳаракатлар талаб этилади. Халқ контроли комитетлари ва группаларининг талайгина қисми эса ҳамон мана шу муҳим ишдан четда турибди.

Озиқ-овқат программасининг бажарилиши устидан контрол қилишни кучайтириш борасида кўп иш қилиш керак бўлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш ушбу программанинг асосидир.

(Давоми 2-бетда).

# Чернобиль АЭСидаги воқеаларга доир

## *СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида*

Фан ва техниканинг гуриллаб ривожланиши инсониятга фақат фаровонлик бахш этиб қолмайди, зеро, кашшофлар йўли ҳамиша машаққатли. На қутбни, на космик орбиталарни, на атом энергиясини, на океан қаърини фожиали талафотларсиз забт этиб бўлмайди.

Чернобиль АЭСида юз берган авария ана шуларни эслатди. Бу авария миллион-миллион кишиларнинг қалбларини ларзага келтирди. Совет ҳукумати юз берган фожиадан халқимизни, кўпгина давлатларнинг ҳукуматларини, халқаро ташкилотларни хабардор қилди. 6 май куни Москвада СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси шу воқеадан жамоатчиликни кенгроқ кўламда хабардор қилиш йўлининг мантиқий давомидир.

СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. Г. Ковалев матбуот конференциясини очди. У ишончли маълумотлардан иборат хабарлар СССР Министрлар Совети номидан совет матбуотида муттасил эълон қилиб борилаётганлигини журналистларга эслатиб ўтди. Яқинда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков ҳамда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев Чернобиль АЭСи районини бориб кўрдилар. Улар вазият билан танишдилар, авария оқибатларини тугатиш ва аҳолига ёрдам бериш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни ҳукумат комиссияси, Украина Компартияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, маҳаллий раҳбарлар иштирокида кўриб чиқдилар.

Чет давлатларнинг раҳбарлари ва бошқа расмий кишилари, турли ташкилотлар ва айрим гражданлар рўй берган воқеани тушуниб, ҳамдардлик билдирганликлари учун Совет Иттифоқи самимий миннатдорчилик изҳор этади. Яхши ният билан таклиф этилаётган ва наф келтириши мумкин бўлган ёрдамларни биз миннатдорчилик билан қабул қиламиз. Иккинчи томондан олганда, Чернобиль аварияси теварагида қалаштириб ташланаётган ва «информация муҳитини булғайдиган» ёлғон-яшиқ гаплар ҳамда уйдирмаларнинг Совет Иттифоқига нисбатан, халқимизга нисбатан очиқ-ойдин кўриниб турган ва душманликдан иборат сиёсий сабаби бор.

Авария муносабати билан воқеаларнинг бориши, унинг оқибатларини тугатиш чоралари совет сиёсий ва давлат системасининг масъулият ҳисси сингари сифатларини зўр куч билан яна бир бор кўрсатмоқда. Бу совет кишиларининг, шунингдек мамлакатимизда бўлган чет эл гражданларининг ҳаёти, сиҳат-саломатлиги учун масъулиятдир. Ана шу чет эл гражданларининг кўпчилиги бирдамлик ҳис-туйғуларини ифода этиб, шов-шувларга, жумладан баъзи ғарб информация воситаларининг ғаразгўйлик руҳидаги гапларига учмай, совет кишилари билан қўлни қўлга бериб ишламоқдалар, таълим олмоқдалар.

Чернобилда рўй берган воқеа — фалокат, албатта. Лекин эришилган ютуқларнинг ўзидангина эмас, шу билан бирга рўй берувчи фожиалардан ҳам сабоқ олинади. Биз атом электр станциясида рўй берган авариядан жабр кўрганларнинг биринчиси эмасмиз. Бошқа мамлакатларда ҳам шундай ҳодисалар бўлган. Рўй берган ядро энергияси билан муомала қилишда нақадар эҳтиёт бўлиш кераклигини яна бир карра тасдиқлайди. Бу ўринда гап атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида, бошқариладиган ядро агрегати ҳақида бораётир. Лекин ядро қуролида ҳам атом энергияси бор. Бу қурол одамларни ялпи қиришга, иморатларни вайрон қилишга аталган бўлиб, ишга солиб юборилгудек бўлса уни бошқариб бўлмай қолади.

Етти ривожланган мамлакат раҳбарларининг Токиода бўлиб ўтган кенгашида ядровий хавфсизлик мавзуи ҳам тилга олинди, деб давом этди нотиқ. Улар холис ва умуман ижобий тусдаги баёнотлар билан бирга биз бераётган ахборотга нисбатан таъна сўзларини ҳам айтдилар. Шу таъна сўзларини мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Бизда аниқ маълумотлар пайдо бўлиши биланоқ, бу ҳақда дарров хабар қилинди. Воқеа рўй берган жойга бориб нималар бўлганлигини аниқлашимиз биланоқ, ишларнинг ҳақиқий аҳволини назарда тутган ҳолда вазият ҳақида маълум қилдик ва шундан бери қарийб ҳар куни хабардор қилиб турибмиз. Биз фол очиш билан шуғулланмаймиз, энг яхши мутахассислар ҳамда приборлар бераётган фактлар ва маълумотларгагина суянамиз.

Матбуот конференциясида ҳозир бўлган обрўли ва хабардор вакилларимиз бу ҳақда ўз фикрларини айтадилар. Ўрни келганда таъна қилиб эмас, балки ҳақиқатни айтиб қўяй: 1979 йилда АҚШда авария рўй берганида, Америка томони шу ҳодисанинг сабабларини дарров аниқлаб ололмаганди.

Ўшанда АҚШ сенатига орадан 10 кун ўтгач, халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ)га эса қарийб икки ой ўтгач, ахборот берилганди.

Бизнинг воқеага ёндашишимиз информация масъулиятли, холис, аниқ, асосли бўлишини, бир сўз билан айтганда, ҳалол бўлишини кўзлайди.

Шу кунларнинг тажрибаси ярамас бир одатни, яъни навбатдаги талваса бир марказ — АҚШдан туриб ташкил этилаётганлиги ва йўлга солиб турилганлигини кўрсатди. Бу ишлар очиқдан-очиқ бир қолипдаги сценарий бўйича қилинмоқда, деб давом этди А. Г. Ковалев. Бу ерда гап сира ҳам атом станциясида юз берган аварияда эмас. Гап бутунлай бошқа ёқда. Муайян милитаристик доиралар жаҳон афкор оммаси тазйиқида типирчилаб қолишди. Улар шунинг учун ҳам типирчилаб қолишдики, афкор омма ядро синовлари тугатилсин, умуман ядро қуроли йўқотилсин, деб қатъий талаб қилмоқда ва Совет Иттифоқи ҳам айни шунинг учун қатъиян курашмоқда. Тўғрисини айтадиган бўлсак, ёлғон-яшиқ, бўҳтон гаплар ёғдириш, фактларни бузиб кўрсатиш, шу кунларда Совет Иттифоқидан жўнаб кетаётган баъзи чет эл гражданларининг том маънода жома алмаштиришлари билан ўтказилаётган «томошалар»нинг ҳақиқий сабаблари мана шунда. Халқаро ишончга путур етказиш, кескинликни юмшатиш сари қайтишга йўл қўймасликни, халқаро ҳамкорликни ҳар қандай йўллар билан мушкуллаштиришни хоҳловчилар мана шу ишлар билан шуғулланишмоқда.

Рўй берган воқеа сабоқлари ҳукуматлар, халқлар, бутун инсоният ядро қуролида нақадар даҳшатли хатар борлигини унутмасликлари керак, деган асосий хулосани такрор-такрор тасдиқлайди.

Шу боисдан ҳам барча ядровий синовларни дарҳол тўхтатиш учун ҳамма мамлакатлар ва халқларнинг куч-ғайратларини ошириш ниҳоят ядро қуролини камайтиришга, бора-бора эса тамомила тугатишга киришиш жуда муҳимдир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу йил 15 январдаги Баёнотида олға сурилган, КПСС XXVII съезди минбарида туриб тасдиқланган ва ривожлантирилган совет ташаббуслари айни мана шунга қаратилган. Чуқур ва кенг кўламдаги халқаро контрол, шу жумладан жойларда инспекциялар ўтказиш тўғрисидаги таклифлар ҳам айни мана шу мақсадларга хизмат қилади.

Ўз-ўзидан равшанки, тинч ядро энергетикасини бехатар ривожлантириш халқаро режимини мустаҳкамлаш борасида жиддий куч-ғайратлар сарфлаш, бу масалаларда атом энергияси халқаро агентлигининг ролини ошириш талаб этилади. Бугун МАГАТЭ Бош директори Бликс билан ўртамизда бўлиб ўтган суҳбатлар бизнинг фикри-зикримиз бир хил йўналишда эканлигини кўрсатди.

Планетамизни ядро қуролидан холи қилиш, атом энергиясидан фақат тинчлик, бунёдкорлик мақсадларида бехатар фойдаланиш халқаро миқёсда кенг баҳамжиҳат ҳаракат қилишни, кенг қамровли ва пухта халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтиришдан манфаатдор бўлган барча тегишли давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик кучларининг ғайрат ҳаракатлари бирлаштирилишини тақозо этади. Совет Иттифоқи мана шундай ҳамкорлик тарафдоридир.

Сўнгра ҳукумат комиссиясининг раиси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Б. Е. Шчербина журналистлар ҳузурида сўзга чиқди. У Чернобилда рўй берган воқеа тўғрисида батафсил гапириб берди. 26 апрель куни соат 1 дан 23 минут ўтганда Чернобиль АЭСининг 4-блокида қувват иссиқлик энергияси билан 200 мегаватт даражада турганда блокни планда кўзда тутилганидек тўхтатиш чоғида авария содир бўлиб, реакторнинг актив зонаси қисман емирилди ва парчаланиш бўлаклари станциядан ташқарига чиқиб кетди. Бунда реакторнинг критик вазиятда тўхташ қобилияти йўқолди.

Содир бўлган воқеа муносабати билан СССР Министрлар Совети аварияни бартараф этиш ва мана шу воқеа сабабларини аниқлаш юзасидан чоралар кўриш учун ҳукумат комиссиясини тузди. Таниқли олимлар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислари комиссия составига кирдилар. Бир неча соатдан кейин биз ўша жойда эдик. Химиявий ҳимоя бўлинмалари, қўшимча соқчи кучлари ҳам ўша ерга келди. Зарур миқдордаги вертолетлар, бошқа техника, материаллар авария содир бўлган районга юборилди. Станциянинг биринчи, иккинчи ва учинчи блоклари эксплуатацион резерв ҳолатига ўтказилди, уларнинг ҳолати кечаю кундуз назорат қилиб борилмоқда.

Авариянинг сабаблари тўғрисидаги саволга, деди сўнгра Б. Е. Шчербина, фақат илмий ва инженерлик тадқиқотларигина жавоб бериши керак. Шу типдаги станцияларнинг лойиҳа ва конструкторлик ечимлари мамлакатимиз нормаларига ва халқаро практикада ҳамма томондан қабул қилинган нормаларга батамом мос келишини, машина-ускуналарни тайёрлаш, монтаж қилиш ва қабул қилиб олиш сифати устидан тегишли контрол ўрнатилганлигини ҳисобга олганда авария сабаби эҳтимолдан жуда узоқ ва шунинг учун кутилмаган бир қанча нуқсонларнинг оқибати бўлиши мумкин. Навбатчи ходимларнинг ҳаракатлари ҳам синчиклаб анализ қилинмоқда. Аммо Чернобилдаги авария АЭСларда хавфсизлик барча мамлакатлар учун жиддий муаммо бўлиб қолаётганлигини яна бир бор тасдиқлади, шу боисдан эса бундай ишда шошма-шошарлик билан хулосалар чиқариб бўлмайди.

Мана шу кулфатдан ғаразлик ва очиқдан-очиқ туҳмат кампаниясини авж олдириш учун фойдаланган кимсаларнинг масъулиятсизлигини, шу билан бирга уларнинг муқаррар сиёсий қусурларини ҳам вақт кўрсатади. Ақл бовар қилмайдиган шундай гапларни тўқиб чиқаришганига ҳайрон қоласан, киши: ёнғинлар ловуллаб ётган ва минглаб кишилар қурбон бўлган эмиш, станция батамом йўқ бўлган ва Европагагина эмас, ҳатто Америкага ҳам радиактив хавф солинаётган эмиш! 4-блокдан ташқари станция бутун эканлиги маълум бўлиб қолган ҳозирги пайтда эса у ҳувуллаб қолди, деб ёзмоқдалар. Сизларга шуни маълум қила оламанки, станция блокларида 150 киши навбатчилик қилмоқда. Тўртинчи реакторнинг қуйи зонасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Радиактив нур тарқалишини камайтириш мақсадида актив зона устида қум, тупроқ, бор, доломит, оҳак, қўрғошиндан ихота қатлами яратилмоқда. Реакторнинг устки қисмига тўрт минг тоннадан кўпроқ ана шундай ихота материалларидан иборат қатлам ёпилган.

Кўрилган чоралар натижасида Чернобиль районидаги радиацион вазият нормаллашмоқда. Ўтган кунлар мобайнида радиация даражаси яна ҳам кўпроқ пасайди. Украина, Молдавия, Белоруссия ССР территорияларидаги жойларнинг радиактив булғанишини мунтазам контрол қилиш натижаларига кўра, радиация даражаси МАГАТЭ ва СССР соғлиқни сақлаш министрлиги белгилаган радиацион хавфсизлик нормаларидан ошмади. Бевосита авария бўлган жойга туташ территорияда радиация даражаси ошганлиги қайд этилди, бу ерда радиациянинг максимал даражалари соатига 10—15 миллирентгенга етди. 5 майда эса ана шу районлардаги радиация даражалари икки-уч баравар пасайди. Сув объектлари ва Киев сув омбори мунтазам контрол қилиб турилибди. Бу ерда ҳам радиактив моддалар йиғиндиси хатарли эмас.

Ҳукумат комиссиясининг раиси станциядаги авария натижасида икки киши ҳалок бўлганлигини, юздан кўпроқ киши радиация билан зарарланганлигини маълум қилди. 27 апрелга ўтар кечаси уларнинг ҳаммаси Москвага келтирилиб, уларга зарур медицина ёрдами кўрсатилмоқда. Москвалик мутахассисларга АҚШдан келган профессорлар Гейл ва Тарасаки ёрдам бермоқдалар, буни эса биз юксак қадрлаймиз.

Авария оқибатларини тугатиш, дезактивация ўтказиш, районларни нормал ҳаётга қайтариш каби оғир иш зиммасига тушган кишилар ўзларини мардонавор тутиб, уюшқоқлик билан ҳаракат қилмоқдалар.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хатарли райондан жами аҳоли кўчириб кетилди. 30 километрли зонадан аҳоли кўчирилганлиги муносабати билан унга барча зарур ёрдам: медицина ёрдами, моддий ёрдам, ишга жойлашишда ёрдам берилмоқда. Украина, Белоруссия районларида қишлоқ хўжалиги, корхоналар ва барча ташкилотларда ишлар давом этмоқда.

Биз, деди нотиқ, Чернобиль АЭСидаги авария оқибатлари муносабати билан мутлақо тушунарли хавотирликка батамом қўшилиб ва шу муносабат билан ҳайрихоҳлик ва ҳамдардлик изҳор этилаётганига юксак баҳо бериш билан бирга шуни қайд этиб ўтишимиз шартки, Ғарбда, шу жумладан баъзи ҳукуматларнинг доираларида ҳам Чернобилдаги авариядан ишонч ва ҳамкорлик муҳитига путур етказиш учун фойдаланишга уринмоқдалар. Ўз вақтида хабардор қилинмаганлик учун таъналар айниқса кўп учраётган даъво бўлиб қолди. Бунга қўшилиб бўлмайди. Содир бўлган воқеани жойнинг ўзида чамалаб кўриш ва шундан кейингина хабар бериш зарур эди. 28 апрель куни мамлакатларнинг ҳукуматларига шу пайт учун имкони бўлган ахборот берилди. Ҳукумат ахбороти деярли ҳар куни эълон қилиб борилмоқда. МАГАТЭ Бош директори Бликс жаноблари мамлакатга таклиф қилинди.

Шу кунларда Ғарбдаги баъзи радио карнайларнинг фаолияти кўпорувчиликдан иборат эканлигига яна бир ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлди. Ғарб пропагандистлари Совет Иттифоқини қоралашга интилиб, совет томони эълон қилаётган фактларни қўпол равишда назар-писанд қилмай, тўқиб чиқарилган гапларни тарқатдилар. Баъзи давлатларнинг расмий муассасалари ҳам ёлғон ва туҳмат гапларни тўқиб чиқаришга қўл урдилар. Мана шундай бир вазиятда баъзи кимсалар ядровий қуролланиш пойгасини янада кучайтириш позицияларини мустаҳкамлаб олишга, ядро уруши хавфи билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим масалалардан, ядровий қуролларни 2000 йилгача батамом йўқ қилиш тўғрисида Совет Иттифоқи олға сурган программадан халқларнинг эътиборини чалғитишга уринишмаётганмикан? Биз Чернобиль АЭСида содир бўлган воқеанинг жиддийлигини камайтирмай, сиёсий ғаразгўйликларга қарши, Совет тинчлик ташаббусларига нисбатан халқаро миқёсдаги ижобий қизиқишга путур етказиш муддаоларига қарши чиқмоқдамиз.

Сўнгра олимлар ва мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

# ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

## МАКТАБ ИСЛОҲОТИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Мамлакатимиз экономикаси ва маданий ҳаётида рўй бериши керак бўлган туб ўзгаришлар совет мактаби олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу режалар партия XXVII съездида яна бир бор қайд этилганидек, умумтаълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилиш орқали амалга оширилмоқда. Областимизда ҳам бу соҳада бир қатор ишлар қилинди. Кейинги икки йил мобайнида мактабларда моддий база маълум даражада мустаҳкамланди. Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, болаларни касб танлашга ўргатиш, ишлаб чиқариш меҳнати таълимини йўлга қўйиш ва энг муҳими олти ёшлиларни қабул қилиш ишларини пухта ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Педагогик коллективлар ишни янгича талаблар асосида қайта қуришга киришдилар. Ўқувчилар билимини баҳолаш, уларнинг касб эгаллашлари, маънавий етуклиги, ғоявий-сиёсий дунёқарашини оширишга талаб кучайтирилмоқда.

Ислоҳотни амалга оширишда намуна қилиб кўрсатса арзийдиган тажриба ортираётган мактаблар сони кўпаймоқда . Ҳозир областдаги мавжуд мактаблардан 83 тасини бугунги талабларга жавоб бера оладиган даражадаги таянч базаси сифатида кўрсатиш мумкин.

Ангрен шаҳридаги 5-ўрта мактаб ана шулардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўқитувчилар коллективи ҳар бир машғулотнинг самарали бўлиши учун астойдил жонкуярлик кўрсатмоқда, лекция-дарслар, семинарлар уюштирилмоқда, зачетлар ўтказиляпти. Ўтган йили мактабнинг ўқув-тарбияни ташкил этишдаги илғор тажрибаси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳам оммалаштирилди.

Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Коммунистик районларининг қатор мактаблари ҳам ангренликлар тажрибасини ўрганиб дуруст натижаларга эришмоқдалар.

Ислоҳотни амалга оширишда ана шунга ўхшаш мактаблар тўплаётган тажрибаларни кенгроқ оммалаштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Шаҳар ва районлар халқ маорифлари бўлимларининг ходимлари, мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари, тарбиявий ишларнинг ташкилотчилари учун Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларидаги таянч мактабларида «Кўринг, ўрганинг, қўлланг» мавзуида зонал семинарлар ўтказилди. Семинар қатнашчилари амалий ишлар, эришилаётган натижалар билан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Маълумки, ислоҳотда кўзда тутилганидек, бу йил биринчи синфга олти ёшдан қабул қилишга ўтила бошланади. Бу ғоят жиддий ва масъулиятли иш бўлиб, уни уддалаш пухта тайёргарликни талаб этади. Ҳозир область халқ маорифи органлари, мактабларнинг педагогик коллективлари бу соҳада аниқ режа асосида иш олиб бормоқдалар. 1986—87 ўқув йилида 10 минг, ўн иккинчи беш йиллик мобайнида эса 50 минг бола олти ёшдан бошлаб мактабга қабул қилинади. Демак, жуда катта ташкилий ва қурилиш ишларини амалга оширишга тўғри келади. Ҳар бир синф учун учтадан хона — ўқиш, ўйнаб дам олиш ва ухлаш хоналари керак бўлади. Мактабларнинг моддий базаси ва қўйилаётган вазифани бажариш имкониятларини пухта ўрганиб чиқдик. Бўстонлиқ, Коммунистик, Оржоникидзе районлари, Янгиобод, Ангрен, Бекобод шаҳарларининг қатор мактабларида бу соҳада эришилган тажрибаларни оммалаштиряпмиз.

Ана шу қилаётган ишларимиз олдимизда турган катта вазифаларни бажаришдаги дастлабкиларидир, холос. Ҳали олдинда муаммолар кўп. Назаримда, энг аввало, фаолиятимизда тезкорлик ва қатъиятлик етишмаяпти. Кўпгина мактабларда ўқитиш ва тарбия ишлари сифатини яхшилаш, болаларни меҳнатга тайёрлаш талаблардан ҳали орқада. Педагогик коллективлар ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланолмаяптилар, ижодий ташаббус етишмайди. Ўқув-тарбия ишларини янгича ташкил қилиш, умуман бутун ишларни қайта қуришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бунинг сабаби, аввало, ислоҳот қоидалари ва кўзда тутилган мақсадини чуқур тушуниб етиш, изчиллик билан ишга киришиш ҳар бир педагогнинг кундалик жанговар ва энг долзарб вазифасига айланмоғи лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қаерда ўқитувчининг фаолияти бугунги кун руҳига, ҳозирги талабларга жавоб беролмас экан, бунинг учун айб биринчи галда мактаб раҳбарлари зиммасига тушади. Чунки мактаб директори ёки илмий бўлим мудири ўз дарсига пухта тайёргарлик кўрмаса ё умуман машғулотларни қизиқарли, таъсирчан ўтказа олмаса, намунали очиқ дарслар ташкил этолмаса бошқа ўқитувчилардан талаб қилишга маънавий ҳуқуқи қолмайди. Бу масалада кўпгина педагогик коллективларга эътироз билдирсак ҳақли бўламиз. Масалан, Бекобод, Оҳангарон, Пискент ва бошқа районлардаги мактабларнинг фаолияти билан танишганимизда бу фикримиз яққол исботланди: ишлар жуда бўшашган, талабчанлик унутилган, таълим-тарбиянинг сифати паст. Натижада кўпгина мактабларнинг директорларини алмаштиришга тўғри келди. Ўз ишига танқидий ёндашмай «бир қолип»га тушиб қолганлар ўрнига ташаббускор, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан, савияси юқори бўлган ўқитувчилар раҳбарлик лавозимларига қўйилди. Бу масаланинг биринчи ва энг муҳим томонларидан бири. Лекин кадрлар қанчалик малакали, билимдон бўлмасинлар моддий база етарли бўлмаса ислоҳот талаблари даражасига кўтарилиш қийин. Бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалада оталиқ ташкилотларнинг ёрдамлари сув билан ҳаводек зарур. Аммо, афсус, ана шундай ёрдамни сезмаяпмиз. Оталиқ ташкилотларининг мактаблар билан ҳамкорлиги жуда бўш. Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари, Коммунистик, Калинин, Ўрта Чирчиқ районларининг корхоналари, колхозлари ва совхозлари мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга катта ёрдам бераётганини таъкидлаш билан бирга, Оҳангарон, Бўка, Пискент, Янгийўл районларида бу ўта зарур ишга мутлақо эътибор беришмаётганини жиддий эътироз сифатида айтмоқчимиз. Бу районларда кўпгина мактаблар ноқулай биноларга жойлашган. Моддий базаси ночор, уларда ўқув устахоналари, спорт заллари йўқ. Болалар ҳамон икки сменада шуғулланишмоқда.

Айрим мактабларда эса ўқитувчиларнинг ўзлари ислоҳот қонун-қоидаларини шу пайтгача яхши билмайдилар. Шунинг учун ҳам улар дарсларни янгича талаблар асосида ўтказмаяптилар. Ўқувчиларни меҳнатга қизиқтириш ва ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишларга бефарқ муносабатда бўлмоқдалар.

Ислоҳот — умумхалқ иши. Бунда мактаб ҳам, ота-она ҳам, жамоатчилик ҳам, айниқса оталиқ ташкилотлар ҳам бир ёқадан бош чиқаришлари, ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари керак. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Камчиликлар, нуқсонларни тан олиш, ҳақиқий аҳволни кўрсатиб ўтиш ва қуруқ гап билан иш битмайди. Амалий тарзда ҳужумкорлик билан ишга киришмоқ ҳар биримизнинг бурчимиз. Ёшлар тарбиясига ҳаммамиз жавобгармиз. Уларни билимдон, меҳнатсевар қилиб етиштириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳар биримизга дахлдордир.

**М. ҚУРБОНОВ,**
**область халқ маорифи бўлимининг мудири.**

# ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

## МАРКС ВА ЭНГЕЛЬС АСАРЛАРИ ХИТОЙ ТИЛИДА

ПЕКИН, 6 май (ТАСС). «Жэньминь жибао» газетасининг бугун хабар беришича, ХХРда К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларининг Хитой тилидаги 50 томдан иборат тўпламини нашр этиш юзасидан 30 йил давом этган иш ниҳоясига етди.

Хабарда бу нашр КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган К. Маркс ва Ф. Энгельснинг рус тилидаги асарлари иккинчи нашри асосида ва уларнинг немис тилидаги дастлабки нашрларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Ана шу воқеага бағишланган йиғилишда сўзга чиққан ХКП Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Чжу Хоуцзэ марксизм қудратли маънавий қурол бўлиб, К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларини нашр этиш Хитой учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади, деб ёзади газета.

## ШАХТЁРЛАР ҒАЛАБАСИ

**БРЮССЕЛЬ. Меҳнат қилиш ҳуқуқи учун курашиб, иш ташлаган Бельгиянинг 20 минг кончиси катта ғалабага эришди. Ҳукумат Лимбург тошкўмир шахталарига янги бошқарувчи тайин этилишини ва унга шахталарни ёпиб қўймаслик учун ҳамма тадбирлар кўриш топширилишини эълон қилди. Маъмурлар ана шу қарорга келиши муносабати билан касаба союзлари шахтёрларга мурожаат этиб, икки ҳафта давом этган иш ташлашни тўхтатишга чақирдилар.**

## ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

**ЛАПАС. Боливия — Совет дўстлиги институтининг активлари икки мамлакат халқлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва маданий алоқаларни кенгайтириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар. Боливиянинг Потоси шаҳрида очилган институт филиалининг баёнотида шу ҳақда гапирилади. Ҳужжатда совет иттифоқининг қуролланиш пойгасини жиловлаш, Ер юзида хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилган амалий тинчлик таклифларига юксак баҳо берилган. Баёнотда АҚШ маъмуриятининг суверен мамлакатлар, аввало Никарагуа, Ливан ва Ливияга нисбатан давлат терроризми сиёсати ўтказаётганлиги қораланади.**

**ДЕҲЛИ. Маҳаллий маъмурларнинг йўл қўйиб бериши оқибатида Англияда бебошлик қилаётган Сикх сепаратчилари Лондонда Ҳиндистонга қарши сурбетлик билан намойиш ўтказдилар. Юнайтед ньюс оф Индиа агентлигининг хабар беришига қараганда, юзлаб сепаратчилар Ҳиндистоннинг Англиядаги олий комиссари қароргоҳи олдида тўпланиб, «Сикхларнинг мустақил давлати — Холистон»ни қўллаб-қувватлаб шиорлар айтганлар. Маълумки, Ҳиндистон миллий бирлиги ва территориал бутунлигининг душманлари бу мамлакатнинг чегара штатини ҳамда унинг атрофидаги районларни Ҳиндистондан ажратиб олиб «Холистон» деб аталган «давлатни» тузиш хаёлидадирлар. Ана шу иғвогарликнинг ташкилотчилари орасида Ғарб ва Покистоннинг фаол қўллаб-қувватлашига таянаётган «Холистон миллий кенгаши» ва Баббар Халса сепаратчи гуруҳлари бор.**

**(ТАСС, 6 май).**




**ЯПОНИЯ пойтахтида Вашингтон ва расмий Токионинг милитаристик фитнаси ва Японияда Америка ҳарбий кучларининг кўпайтирилишига қарши кўплаб норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Суратда: шундай намойишларнинг бири.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● КОБУЛ. Афғонистон ва совет ташкилотларининг вакиллари Кобулда имзолаган икки битимга мувофиқ шу йил мобайнида СССР узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобига Афғонистонга икки юзта трактор етказиб беради. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Афғонистон томонига 40 минг тонна химиявий ўғит ҳам бепул берилади. СССР билан АДР ўртасидаги ҳамкорлик Афғонистоннинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлашига ва унинг экспорт имкониятларига ҳайрли таъсир ўтказмоқда, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги.

● ДАМАШҚ. Исроилда кун кечириш муттасил қимматлашиб бормоқда. Шу ҳафта бошидан кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан нон ва сут, шунингдек жамоат транспортида қатнаш хавфи анча ошади. Шуниси қизиқки, Исроил маъмурлари нарх-наво яна оширилганлиги тўғрисида хабар қилиш билан бир вақтда мамлакатда авж олдирилган милитаристик вас-васа доирасида ўтказиладиган сионист ҳарбийларининг яна бир катта машқлари бошланганлигини ўз гражданларига маълум қилдилар. Бу икки воқеанинг бир вақтга тўғри келганлиги Исроилда ҳукмронлик қилаётган режимнинг характерини яна бир бор кўрсатади. Бу режим «араблардан ҳарбий устунликка» эришиш кетидан қувиб ўз халқининг ҳаётий манфаатларига ҳужум қилишга тайёрдир.

(ТАСС, 5 май).

## ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

**ПЛОВДИВ. Қўҳна шаҳар байрам либосида. Бу ерда тантанали вазиятда халқ истеъмоли товарлари олтинчи халқаро ярмаркаси очилди. Пловдив шаҳрига 50 мамлакатдан 1600 дан кўпроқ фирма ўз маҳсулотларини жўнатди. Анъанага кўра, Совет Иттифоқининг экспозицияси энг катта экспозициядир. Уни тайёрлашда «Авиаэкспорт», «Разноэкспорт», «Международная книга», «Интурист» ва бошқа етакчи ташқи савдо ташкилотлари қатнашдилар. Совет Иттифоқининг иштироки доирасида Озарбайжон ССР ўзининг алоҳида экспозициясини намойиш этади.**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан***

# «ТОПГАН БАҲОНАСИНИ ҚАРАНГ»

**Газетанинг шу йил 2 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Олмалиқ автобус-таксомотор паркига қарашли автобус ҳайдовчиларининг йўловчиларга хизмат кўрсатишда йўл қўяётган жиддий нуқсонлари кўрсатилган эди.**

**Пассажирлар ташиш область ишлаб чиқариш автотрестининг бошқарувчиси А. Шеиндан олинган жавобда мақолада кўрсатилган камчиликлар текширишда тасдиқланганлиги айтилади.**

**Олмалиқ автобус-таксомотор паркига қарашли 58—58 номерли автобуснинг ҳайдовчиси Ҳ. Мусурмонқулов 6 март куни Бўкага графикда белгиланган вақтдан 25 минут кечикиб келган. Йўл қўйган камчилиги учун у 2 ойга автобус ҳайдашдан четлатилиб, гаражда бошқа ишга ўтказилди.**

**Шунингдек бошқа маршрутларда ҳам графикнинг бузилиш ҳоллари учраб турганлиги, ҳайдовчилар ўртасида тарбиявий ишлар ва интизомнинг бўшашиб кетишига йўл қўйганлиги учун колонна бошлиғи З. Т. Умировга автотрест маъмурияти томонидан ҳайфсан эълон қилинди. Йўловчиларга хизмат қилишда графикка қатъий риоя қилиш, ҳайдовчилар ишини мунтазам кузатиб бориш тадбирлари белгиланди.**

**«Партия XIX съезди» марказий шифохонасигача қатнайдиган маршрутли таксиларни соат 15 дан 17 гача шифохонада дам олиш пайти бўлгани учун тўхтатиб қўйиш шифохона маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.**

